ISSN: 2181-3906 2024

International scientific journal
«MODERN SCIENCE AND RESEARCH»
VOLUME 3 / ISSUE 3 / UIF:8.2 / MODERNSCIENCE.UZ

# MUSTAQILLIKDAN KEYINGI DAVR KOREYS NASRCHILIGIDA HIKOYALARNING LINGVOMADANIY AHAMIYATI

**Haydarov Jasur Baxodirovich**
O‘zbekiston davlar jahon tillari universiteti
koreys tili fani o‘qituvchisi

*https://doi.org/10.5281/zenodo.10868870*

***Annotatsiya.*** *Mazkur maqolada koreys tilidagi hikoya janriga xos bo‘lgan lingvokulturologik, kognitiv hamda amaliy lingvokulturologiya masalalariga izoh beriladi. Shuningdek, tilni tahlil qilishda lingvomadaniy yondashuvning ahamiyati alohida ta’kidlanadi. Til va madaniyat, madaniyatning o‘zaro bog‘liqligi, aloqasi hamda o‘zaro ta’siri muammolari madaniy hodisa sifatida o‘rganiladi.*

***Kalit so‘zlar:*** *lingvokulturologiya, madaniy, adabiy vositalar, jonlantirish.*

# THE LINGUISTIC SIGNIFICANCE OF STORIES IN POST-INDEPENDENCE KOREAN PUBLISHING

***Abstract.*** *This article explains the linguocultural, cognitive, and practical linguocultural issues specific to the narrative genre in the Korean language. Also, the importance of the linguistic and cultural approach to language analysis is emphasized. The problems of language and culture, interdependence, communication and interaction of culture are studied as a cultural phenomenon.*

***Key words:*** *linguoculturology, cultural, literary tools, revitalization.*

# ЛИНГВИСТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ИСТОРИЙ В КОРЕЙСКИХ ИЗДАТЕЛЬСТВАХ ПОСЛЕ НЕЗАВИСИМОСТИ

***Аннотация.*** *В данной статье раскрываются лингвокультурные, познавательные и практические лингвокультурные вопросы, характерные для повествовательного жанра в корейском языке. Также подчеркивается важность лингвострановедческого подхода к языковому анализу. Проблемы языка и культуры, взаимозависимости, общения и взаимодействия культур изучаются как феномен культуры.*

***Ключевые слова:*** *лингвокультурология, культурологический, литературный инструментарий, ревитализация.*

1945-yili 15-avgustda koreys xalqi taqdirida keskin burilish yuz berdi, Koreya uzoq yillik mustamlakadan ozod bo‘ldi. Ammo bu quvonch uzoqqa cho‘zilmadi, oradan ko‘p vaqt o‘tmay mamlakat ikki xil mafkuraga asoslangan: janubda – Koreya Respublikasi, shimolda – Koreys Xalq Demokratik Respublikalariga bo‘linib ketdi. Mamlakatning bo‘linishi yapon mustamlakasidan qolgan yaralar bitmay turib, xalqni yangi sinovlarga duchor qildi. Avval yapon istibdodidan ozod bo‘lgan, ketidan mamlakatning inqirozga uchrashi mantiqqa sig‘maydigan vaziyatga sabab bo‘ldi: bir tomondan mamlakat rivoji uchun «berkitilgan chorrahalar»ga yo‘l ochildi, ikkinchi tomondan – bu vaziyat Koreyani xaos – yangi fojiaviy sinovlarga duchor qildi.

Mana shu inqiroziy vaziyatlarga qaramay madaniyat, adabiyot rivojlanishda davom etdi. Xususan, mamlakatning bo‘linishi fojiasining tirik guvohlari bo‘lgan koreys nazmi mualliflari ijodida o‘zgarishlar sodir bo‘ldi. Koreysshunoslarning ta’kidlashicha, 1945-yili avgust oyida, adabiy harakatning chap qanoti vakillari tomonidan «Adabiyotchilar ittifoqi»ga asos solindi. Bunga qarshi esa o‘ng qanot vakillari «Butun respublika madaniyati tashkilotlari umumbirlashma

majlisi»ni o‘tkazishdi. Shimoliy Koreyada «Madaniy front» (1946–1948), «Adabiyot va san’at» (1948–1953) jurnallari, janubda «Yangi adabiyot» (1945) jurnali chop etila boshlandi. 1946 yili «Kebek» jurnali qayta tiklandi, «Madaniy ijod», «Badiiy adabiyot», «Kometa» va boshqa jurnallar ham ta’sis etildi.

Bu davrga kelib badiiy adabiyotning vazifasi ikki mafkura ostida xalqning, qondosh aka-ukalarning arining buzilgan uyasidek to‘zg‘igan hayotini badiiy in’ikosini berishdan iborat edi. Davr va ijtimoiy vaziyat adabiyotga ta’sirini o‘tkazmay qolmaydi. El-yurt millar qayg‘usi masalasi albatta adabiyot namanalarida aks etadi.

Ayni tahlikali, siyosiy davrda kreys adabiyotida Li Bom Suning «Daydi o‘q» hikoyasi janub va shimolliklar taqdiri xaos, 38-parallil chizig‘i, Hebang, Erkinlik dahasi, «Ozodlik qishlog‘i» mavzularini tarannum etgan yorqin manba sirasiga kiradi.

Yozuvchi va shoir Li Bom Suning 60 yildan ko‘proq ijodi milliy adabiyot shakllanishining barcha bosqichlarini o‘zida mujassamlashtirgan. Uning asarlari uchun an’anaviy uslubiy shakllarning yangi mazmun bilan boyitilishi xosdir. Xvan Sun Von Koreyaning noyob siymosini an’anaviy urf-odatlari va turmush tarzining butun latofati bilan namoyon qilish barobarida hozirgi davr jamiyatidagi insonning taqdirini juda chuqur tahlil etadi. Adibning ijod namunalari xozirga qadar adib ijodining shox asari hisoblanadi. Insonning ichki dunyosi, uning hissiyotlari nihoyatda ta’sirchan ifoda etilishi bilan birga insonni o‘rab turgan voqelik butun murakkabligi va ziddiyatlari masalasi adib ijosining bosh g‘oyasi hisoblanadi.

«계리사사무실 서기 송철호는 여섯시가 넘도록 사무실 한 구석자기자리에 멍청하니 앉아있었다.무슨 미진한 사무가 있는것도 아니었다. 장부는 벌써집어치운지 오래고 그야말로 멍청하니 그저 앉아있는 것이었다. 딴 친구들은 눈으로 시계 바늘을 밀어올리다시피 다섯시를 기다려 후 다닥 나가버렸다. 그런데 점심도 못먹은 철호는 허기가나서만이 아니라 갈 데도 없었다». «Hisobchi bo‘lib ishlaydigan Song Chol-ho soat oltidan oshgan bo‘lsada, hamon ofisda o‘tirar edi. Ofisda undan boshqa hech kim qolmaganini sezmasdi. Qolgan xodimlar doim soat besh bo‘lishini kutib, ofisni galma-galdan tark etib bo‘lishgan edi. Lekin tushlik ham qilmagan Chol-ho ishdan chiqib borar yeri ham yo‘q edi.

Ammo shunday bo‘lsada u halol ishchi edi. Uning yuragida 6.25 (25- iyun voqeasi)ning izlari qolib ketgan edi. Ruhiy xasta onasining «kettik» degan so‘zini eshitar ekan bu izlar hech qachon bitmasdi». «...남한이니까 이렇게 생명을 부지하고 살 수 있지, 만일 북한 고향으로 간다면 당장에 죽는 것이라고, 자유라는 것이 얼마나 소중한것인가를 갖은 이야기를 다 예로 들어가며 어머니에게 이해시키기란 삼팔선을 인식시키기보다도 몇백 갑 절 더 힘드는 일이었다. 아니 그것은 거의 불가능한 일이라했다. 그래 끝내 철호는 어머니에게 자유라는 것을 설명하는 일을 단념하고 말았다. 그렇게 되고 보니 철호의 어머니에게는 아들-지지리 고생을하면서도 고향으로 돌아갈 생각만은 죽어도 하지않는 철호가 무슨 까닭인지는 몰라도 늙은 에미를 잡으려고 공연한 고집을 피우고 있는 천하에 고약한 놈으로만

여겨지는 것이었다». «...Chol-ho Janubdagi hozirgi turmushga chidab yashasa mumkinligini, shimolga qaytadigan bo‘lishsa, shu zahoti ularni otib tashlashlarini, erkinlik degan imkoniyat qanchalik insoniyat uchun suv va havodek zarur ekanligini onasiga uqtirib, ham ovutib, ham Janubdagi hayotga ko‘niktirib borishga urinardi.

Ammo «erkinlik» degan tushunchani onasiga uqtirish, 38- parallelning muqarrar chiziq ekanligini uqtirishdan ko‘ra yuz chandon og‘ir ish edi. Aksincha, ona o‘g‘lining hatto o‘ldirishsa ham o‘z jonini xatarga qo‘yib, Shimolga qaytib bormasligini anglagach, uning uchun dunyodagi eng yomon inson bu Chol-ho bo‘lib qoldi». «영호는 고개를 뒤로 젖히고 천장을 향해 후 담배 연기를 바라보며 한손으로 목의 넥타이를 앞으로 잡아당겨 반쯤 끌러 늦추어 놓았다».

«Yong-ho boshini orqaga tisarib, ko‘zlarini shiftga tikkancha og‘zidan tamaki tutunini chiqardi. Chol-ho esa Yong-honing so‘zlarini lom-mim demasdan tinglagancha, ukasini jimgina kuzatib o‘tirardi. Yong-ho o‘zgarishsiz shiftga qaragancha og‘zidan chiqib tepaga yo‘nalayotgan tamaki tutuniga mahliyo bo‘lib o‘tirar, bir qo‘li bilan esa bo‘yniga tang‘ib bog‘langan galstugini ozgina bo‘shatdi-da pastga tortib qo‘ydi». «철호는 길게 한숨을 쉬었다. 앞에 놓인 등잔불이 거물거물 춤을 추었다. 철호는 저고리 호 주머니에서 담배를 꺼내었다. 꼬기꼬기 구겨진 파랑새 갑 속에서 담배를 한개 비 뽑아내었다. 바삭바삭 마른 담배는 양끝이 반쯤 빠져나갔다. 철호는 그양끝을 비벼말았다. 흡사 비과 모양으로 되었다. 철호는 그비과 모양의 담배 한끝을 입에다 물었다». «Chol-ho chuqur nafas oldi. Oldiga qo‘yilgan qorachiroq mana-mana o‘chib qoladigandek lipillab yonardi. So‘ngra nimchasining cho‘ntagidan sigareta qutisini chiqardi va g‘ijim bo‘lib ketgan yashil quti ichidan bir dona sigaretani oldi. Qurib qolgan sigareta donasining ikki cheti uzilib tushdi. Chol-ho uzilgan qismini poldan oldi-da, amallab qo‘lida qolgan qismiga ulab og‘ziga soldi». «그는 다시 큰 길로 나왔다. 마침 택시가 한대 왔다. 그는 손을 한번 흔들었다. 철호는 던져지듯이 털썩 택시 안에 쓰러졌다. «어디로 가시죠?»택시는 벌써 구르고 있었다. ‘해방촌’. 자동차는 스르르 속력을 늦추었다. 해방촌으로 가자면 차를 돌려야 하는 까닭이었다. 운전사는 줄지어 달려오는 자동차의 사이가생기기를 노리고 있었다. 뒷자리에서 철호가 소리를 질렀다. «아니야. S 병원으로 가». 철호는 갑자기 아내의 죽음을 생각했던 것이었다. 운전사는 다시 휙핸들을 이쪽으로 틀었다. 그때에 또 뒤에서 철호가 소리를 질렀다. «아니야. X 경찰서로 가».눈을 감고 있는 철호는 생각하는 것이었다. 아내는 이미 죽었는데 하고. 이번에는 다행히 차의 방향을 바꿀 필요가 없었다. 그냥 달렸다. «X 경찰서 앞입니다». 철호는 눈을 떴다. 상반신을 번쩍 일으켰다. 그러나 곧 또 털썩 뒤로 기대고 쓰러져버렸다. «아니야. 가». «X 경찰서입니다. 손님». 조수 애가 뒤로 모을 틀어 돌리고 말했다. «가자». 철호는 여전히 눈을 감고 있었다. «어디로 갑니까?».

ISSN: 2181-3906 2024

International scientific journal
«MODERN SCIENCE AND RESEARCH»
VOLUME 3 / ISSUE 3 / UIF:8.2 / MODERNSCIENCE.UZ

«글세가». «허 참 딱한 아저씨네». «…». «취했나?» 운전사가 힐끔 조수 애를 쳐다 보았다. «그런가 봐요». «어쩌다 오발탄 같은 소년이 걸렸어». «Shunday qilib Chol-ho katta yo‘lga chiqib oldi. Xuddi bilgandek, taksi ham kelib qoldi. Chol-ho qo‘llarini silkitdi. Mashina to‘xtagach, Chol-ho mashina ichiga o‘zini otdi. – Qayerga yuramiz? Taksi yurib ketdi. – Hebang (Erkinlik) dahasiga. Hebang dahasiga borish uchun orqaga yurish kerak edi. Haydovchi tanasini bir tomonga egib boshqaruv chambaragini endi aylantira boshlagandi. Orqa o‘rindiqdan Chol-honing baland ovozi eshitildi. – S kasalxonasiga haydang. To‘satdan Chol-honing yodiga xotinining o‘lgani tushdi. Haydovchi yana yo‘lni boshqa yo‘nalishga soldi.
Mashina Koreya Banki to‘g‘risidagi halqani aylanayotgan edi. O‘sha payt orqadan yana ovoz eshitildi:- Yo‘q, X mirshabxonaga yuring. Ko‘zlari yumuq ersa-da, Chol-ho o‘ylardi. «Xotinim allaqachon o‘lib qolgan bo‘lsa». Bu safar mashinaning yo‘nalishini o‘zgartirish hojati qolmadi. Mirshabxona yo‘l ustida edi. – X mirshabxonaga yetib keldik. Chol-ho ko‘zlarini ochdi, lekin madori yo‘qligidan yana orqaga suyanib qoldi. – Kerakmas. Yur! – Siz aytgan X mirshabxona bu yer. - Oldinda o‘tirgan yigitcha orqasiga o‘girilib dedi. – Ketdik. Chol-ho avvalgidek ko‘zlarini chirt yumib olgan ko‘yi edi. – Qayerga yuray? – Haligi..... yuraver… – Judayam ezma mijoz ekan-da, o‘ziyam. – O‘ziyam daydi o‘qqa o‘xshagan mijozga yo‘liqibmiz-da». «계리사 사무실 서기 송철호는 여섯시가 넘도록 사무실한 구석 자기자리에 멍청하니 앉아 있었다. 무슨 미진한 사무가 있는 것도 아니었다. 장부는 벌써 집어치운지 오래고 그야말로 멍청하니 그저 앉아 있는 것이었다. 딴 친구들은 눈으로 시계 바늘을 밀어 올리다시피 다섯시를 기다려 후 다닥 나가버렸다. 그런데 점심도 못 먹은 철호는 허기가 나서만이 아니라 갈 데도 없었다».
«Hisobchi – ekspert bo‘limi kotibi Song Chol-ho soat oltidan oshgan bo‘lsada, hali ham idoraning bir chekkasida joylashgan o‘zi uchun ajratilgan ish stolidan qo‘zg‘almasdan nima qilishini bilmay o‘tiribdi. Uning tugatmay qolib ketgan ishi ham yo‘q. Chol-honing vazifasiga kiruvchi yagona yumush – hisobot daftarchasini allaqachonlar to‘ldirib qo‘ygan. Shu sababdan ham hozir nima qilishini bilmay pashsha qo‘rib o‘tiribdi.
Boshqa xodimlar soat besh bo‘larbo‘lmas, go‘yo muhim ishlari bordek, shoshilinch idoradan chiqib ketib 88 bo‘lishgan. Biroq tushlik ham qilmagan Chol-ho hozir qornining och ekanligidan emas, balki yana o‘sha uyiga qaytib borishdan iztirob chekardi».

«...Bu safar esa suv yuzasida bir yigitning aksini ko‘rdi. Chol-honing ko‘zlariga tik boqib turgan bu tasvir yuzidagi jami mushaklarini harakatga keltirib, g‘alati jilmayib turardi.

Peshonagacha tushgan uzun soch. Botiq ko‘zlar. O‘yiq lunjlar. O‘tkir va ozg‘in iyak.

Murdadek qop-qora nursiz chehra. Xullas, ibtidoiy jamoa davri vakili. Qo‘llarida uchiga uzun tayoq bog‘langan, g‘orda qolgan jamoadoshlari uchun tun-u kun o‘rmon ichida o‘lja qidirib yurgan ibtidoiy odam. – Ayiq? Ayiq bilan olishishga jasorati yo‘q. – To‘ng‘iz? Kuchi yetmaydi. – Bug‘u? Bug‘u judayam chaqqonlik qiladi unga. – Balki qirg‘ovul ovlar? Qirg‘ovulni uchirib yuboradi. Ha! Quyon? Quyon! Chol-hoga o‘xshaganlar faqat quyon tuta olishi mumkin. Lekin hozir quyonning ham xaridorlari ko‘p. Lekin g‘orda qolganlar kutishmoqda.Qandaydir o‘lja bilan qaytib borish lozim...». «형사에게도 동생 영호의 사건 내용을 들은 철호는 앞에 앉은 형사의

얼굴을 바보모양 멍청히 바라보고 있을 뿐이었다. 점점핏기가 가셔가는 어느 회사에서 월급을 줄 돈 천오백만환을 찾아서 은행 앞에 대기 시켰던지 프차에 싣고 마악 떠나려고 하는데 중절 모를 깊숙이 눌러 쓰고 색 안경을 낀 괴 한 두 명 이 차 속으로 올라오며 권총을 내어 들더라는 것이었다. 철호는 눈도 깜박하지 않고 그저 영호의 머리카락이 흐트러져내린 이마를 바라보고 있었다. «돌아가세요, 형님. 철호의 얼굴은 표정을 잃은 채 굳어가고 있었다». «Tergovchining buyrug‘ini eshitgan Yong-ho kishan taqilgan qo‘llarini oldinga qilgancha tergovchining to‘g‘risiga o‘tirdi. Akasi ham borligini ko‘rib, nomiga o‘rnidan qo‘zg‘alib, akasiga qarab bosh chayqab qo‘ydi. Teshib yuboradigandek ukasiga qarab turgan Chol-honing ozg‘ingina yuzi mamnuniyat bilan jilmaygan bo‘ldi. Yong-ho Chol-ho tomonga yuzlandi: Aka, kechiring. Men odamgarchilik chegarasidan chiqib bo‘lgandim. Endi qonun chegarasini ham oshib o‘tdim». «어처구니 없는 영호의 수작에 철호는 그저 멍청하니 영호의 얼굴을 쳐다보았다. 손 끝 이따가 왔다. 철호는 비루깡통으로 만든 재떨이에 담배를 비벼껐다. «용기?» «네. 용기». «용기라니?» «적어도 까마귀만 한 용기만이라도 말입니다. 영리 할 필요는 없더군요. 우둔해도 상관 없어요. 까마귀는 도무지 허수아비를 무서워하지 않습니다. 참새 처럼 영리하지 못 한 탓으로 그 놈의 까마귀는 애당초에 허수아비를 무서워할 줄조차 모르거든요». 영호의 입가에는 좀전 에 파랑새 꽁초에다 불을 당기는 철호를 바라보던때와 같은 야릇한 웃음이 또 소리 없이 감돌고 있었다. «너, 설마 무슨 엉뚱한 계획을 세우고 있는 것은 아니겠지». 철호는 약간 긴장한 얼굴을 하고 영호를 바라보며 꿀꺽하고 침을 삼켰다. «아니요. 엉뚱하긴 뭐가 엉뚱해요. 그저 우리들도 남처럼 다 벗어던지고 홀가분한 몸차림으로 달려보자는 것이죠 뭐». 90 «벗어던지고?» «네, 벗어던지고 양심이고, 윤리고, 관습이고, 법률이고 다 벗어던지고 말입니다». 영호의 큰 두 눈이 유난히 빛나는가 하자 철호의 눈을 정면으로 밀고 들었다. «양심이고, 윤리고, 관습이고, 법률이고?». «...» «너는, 너는...». «...». 영호는 아무 대답도 하지 않았다. 그러나 눈만은 똑바로 형 철호를 쳐다보고 있었다. «그렇게나 살자면 이 형도 벌써 잘 살 수 있었다». 철호의 목소리는 떨리고 있었다. «그렇게나라니요?» «양심을 버리고, 윤리와 관습을 무시하고, 법률까지도 범하고!». « – Aka, men ham sizning faqirona bo‘lsa ham halol yashash lozim, degan hayotiy mantig‘ingizni yaxshi tushunaman. Albatta, halol yashash kerak. Biroq, aka, o‘sha «halollik» deb ataladigan mantig‘ingiz uchun to‘layotgan xuningiz – oilangiz – bu keragidan ortiq va juda katta xun, aka! Bu «halollik» oqibatida oilangiz bir burda nonga zor, kiyishga kiyimi yo‘q. Aka, o‘ylab ko‘ring. Tishingizga qurt tushsa yoki bo‘sh tish o‘rni azob bersa tun bo‘yi, davolatish yoki oldirib tashlash lozim-ku, axir! Lekin siz tishingiz og‘risa ham chidab

yuripsiz. Biroq yashamoqchi bo‘lsangiz pul zarur. Pul zarur bo‘lgandan keyin uni topish kerak. Qonun chizig‘ida yashash mumkin emas deb qayerda yozib qo‘yibdi.

Qonun chizig‘ini bosib, yanchib yashaydilar-u, nega biz bechora vijdonimiz amriga quloq tutib o‘lib ketishimiz kerak?!

– Uka, agar sening gaplaring to‘g‘ri bo‘lsa, demak, barcha puli bor odamlar yomon odamlar ekan-da?!

– Yo‘q, men hali hech kimni yaxshi-yomonga ajratganim yo‘q, axir.

– Lekin sening gaplaringdan xulosa qilsak, yaxshi yashash uchun hamma narsamizni – vijdon, axloq barcha-barchasini tashlab yuborishimiz kerakmi?». «철호가 탄 전차 가을지로 입구 십사거리에 머물러 신호를 기다리고 있었다. 손잡이를 붙들고 창을 향해서 있던 철호는 무심코밖을 내다 보았다. 전차 바로 옆에 미군 지프차가 한 대 와섰다. 순간 철호는 확낯이 달아 올랐다. 핸들을 쥔 미군 바로 옆자리에 색 안경을 쓴 한국 여자가 앉아있었다. 그것이 바로 명숙이였던 것이다. 바로 철호의 턱 밑에서였다. 역시 신호를 기다리는 그지프차속에서 미군이 한손을 핸들에 걸치고 또 한 팔로 명숙의 허리를 넌지시끌어 안는 것이었다. 미군이 명숙의 얼굴을 들여 다보 며뭐라고 수작을 걸었다. 명숙은 다리를 겹치고 앉은 채앞을 바라보는 자세 그대로 고개를 까딱거렸다. 그 미군 지프차 저편에 선택시조 수가 명숙이와 미군을 쳐다보며 피시시 웃었다. 전차간에서도 마찬가지였다. 철호 바로 옆에 나란히서있던 청년둘이 쑥덕거렸다». «Chol-ho chiqqan tramvay Ilji ko‘chasidagi chorrahada yashil chiroq yonishini poylab turardi.Qo‘llari bilan tutqichni mahkam tutib turgan Chol-ho bexosdan ko‘chaga nazar tashladi. Tramvayning yoniga Jeep avtomobili kelib to‘xtadi. Ayni shu damda Chol-honing yuzi qizarib ketdi. Avtomobil boshqaruvida o‘tirgan amerikalik askar yonida quyosh nuridan qora ko‘zoynak taqqan koreyalik bir qiz o‘tirardi. Bu qiz esa Myong-suk edi. Shundoqqina Chol-honing ko‘z oldidagi qimmatbaho mashina ichida amerikalik askar bir qo‘li bilan mashina chambaragini ushlab turar, ikkinchi qo‘li esa Myong-sukning belidan sezilarsezilmas quchoqlab turardi. Askar Myong-sukka qarab nimadir dedi.

Oyoqlarini chalkashtirib olgan Myong-suk esa ko‘zlarini oldinga tikkan ko‘yi boshi bilan rozilik ishorasini qildi. Jeepning u tomonida to‘xtab turgan taksi ichidagi yo‘lovchi ham Jeep ichidagi manzarani tomosha qilarkan, miyig‘ida kulib qo‘ydi».

«Chol-ho ham aslida, onasining dardini yaxshi tushunardi. Onasining Shimolda kattagina yeri bor edi. Ular to‘kin-sochinlikda yashardilar. Qishloqning deyarli oqsoqoli edi. Bu yerchi?! Tepaliklarni tekislab, chumchuqning iniday qilib paneldan qurilgan omonat katalakchalar

Chol-honing onasi uchun isnod edi. Buning ustiga «Ozodlik qishlog‘i» deb atalgan ushbu qishloq nomi o‘ziga mos emasdek edi. Chol-honing onasi hali ham asl vaziyat mag‘zini chaqa olmasdi. Sengga o‘z yurtingga qaytishga ruxsat berishmasa, o‘z yurtingdagi hamma narsangni musodara qilib yuborishsa. Bu nimaligini Chol-honing onasi umuman tushunmasdi. Aksincha, ular Janubga qochib kelganlaridan beri biror marotaba bo‘lsin «qaytaylik» degan so‘zni ishlatmagan kuni yo‘q edi. O‘g‘illik mas’uliyati. Erlik mas’uliyati. Otalik mas’uliyati. Uka-

singilga akalik mas’uliyati. Yana buxgalter-ekspertlik idorasida kotiblik mas’uliyati. Bajarishim kerak bo‘lgan mas’uliyatlarim bisyor. Juda ham bisyor. Yaxshi, men sen aytganingdek Yaratganning adashgan o‘qidirman. Haqiqatan ham men qayerga borishimni bilmayman. Lekin men hozir qaysidir manzilga, albatta, borishim zarur…».

Janubiy koreyaliklar o‘zlarining iste’dodli hikoyanavislari, shoirlari va dramaturglarining, badiiy asarlar muntazam chop etiladigan ko‘p sonli turli jurnallar va nashrlarining xaqiqiy ixlosmandlaridir. Bu mamlakatda hatto kundalik gazetalar ham doimiy ravishda yangi roman, qissa va hikoyalarni sonma-son e’lon qilib boradilar. Janubiy Koreyada har yili topshiriladigan qator adabiy mukofotlar ta’sis etilgan. Bu o‘z qadimiy adabiyoti bilan haqli ravishda g‘ururlanadigan Janubiy Koreyada badiiy adabiyot tobora ravnaq topayotganligining yaqqol nishonalaridir.

Ushbu mamlakat adabiyoti asta-sekin jahonda ham tanilib borayotganligining dalolatiga yana bir chizgi. Janubiy Koreya poytaxti — Seuldagi Osiyoning eng yirik kitob magazinlaridan biri - Kyoboning ulkan vitrinasida adabiyot soxasida Nobel mukofoti laureatlarining ismi-shariflari qayd etilib, sur‘atlari ilib qo‘yilgan. Bu qatordagi ramkalardan biri bo‘m-bo‘sh. Ammo uning tagida quyidagi yozuvga ko‘zingiz tushadi: ―Adabiyot soxasida bo‘lajak Nobel mukofoti laureate - koreys uchun…

**REFERENCES**


1. Boboyev T. Adabiyotshunoslik asoslari. – Toshkent: O‘zbekiston, 2001.
2. Saydazimova U.T., Choy So Yong va b. “Zamonaviy koreys she’riyati antologiyasi”. – Toshkent, 2014.
3. Saydazimova U.T., Choy So Yong va b. “Zamonaviy koreys nasri antologiyasi”. –Toshkent, 2014.
4. Литературный энциклопедический словарь. –М., 1967. 14. Осенние клены/Антология корейской поэзии XVIII-XIX столетия в поэтических переводах. – СПб. , 2012.
5. Ли Ги Бек. История Кореи: новая трактовка. Перевод с корейского под редакцией С.О.Курбанова. – М.: 2000.
6. Солдатова М.В., Пак К.А. Современная литература Кореи/Учебное пособие. – Владивосток/Изд-во Дальневосточного университета, 2003.